

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига киритиладиган ҳар йилги ижара ҳақи тарихида ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг қадастр баҳосини инobatга олган ҳолда белгиладиган ер солиғи ставкаси миқдориди ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

“ФЕРМЕР ХўЖАЛИГИ ТўҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 13-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастурумиз бўлсин!



ИНСОН ва ҚОНУН

№ 14 (370)
2004 йил
13 апрел
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Ogohlikka da`vat

ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Тинчлик-тотувлик, барқарорлик барча замонларда долзарб аҳамият касб этган. Чунки тинчлик, осойишталик барқарор бўлган жойдагина бунёдкорлик ва тараққиёт юзага келади. Одамлар кўнглидаги хотиржамлик, рўзғордаги кутбаракат, жамият ҳаётидаги барқарорлик ҳам ана шу омига жуда-жуда боғлиқ. Шу боис тинчлик учун муқаддас қураш олиб берилган. Бироқ тинчлик ҳамма вақт ҳаммага муқтож бўлган. Нега деганда, тинчлик ва барқарорликка турфа таҳдидлар хавф солинган. Бугунги ҳаёт ҳам ана шундай таҳдидлардан холи эмас. Бу таҳдидларнинг энг хавфлиси терроризм балосидир.

Терроризм инсоният учун энг хавфли таҳдидларидан бири бўлиб, тинчлик ва барқарорликка путур етказувчи халқаро жиноят ҳисобланади. Терроризм бегуноҳ одамларни қурбон қилиш эвазига жамиятда беқарорликни юзага келтириш, фуқаролар қалбида қўрқув ва ваҳима уйғотиш, давлатлараро муносабатларини мураккаблаштириш, халқаро ва минтақавий даражадаги хавфсизликни тизимларига путур етказиш, халқаро ҳамжамиятнинг тинчлигига зиён етказишни кўзловчи жирканч қилмишидир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, **тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли ва энг ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қолмаслиги аён**

бўлмоқда. Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг таги пуч қарашлари терроризмнинг неқоби бўлса, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва одам савдоси молиявий манбаси саналади. Шу боис экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши ялпи қураш олиб бориш зарур.

Шу ўринда бугун бутун дунёда терроризмга қарши кенг қамровли қураш олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу борада аввало ҳуқуқий пойдевор яратилди. БМТ доирасида “Терроризмни молиялаштиришга қарши қураш тўғрисида”ги Конвенциянинг қабул қилиниши терроризм тусидаги жиноятларни давлатлар томонидан миллий қонунчиликда таснифлаш имконини яратди. Бундан ташқари, терроризмнинг барча кўринишларига қарши курашни кенг қўламда олиб бориш им-

кониятини берувчи кўплаб халқаро шартномалар қабул қилинди. “Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши қураш тўғрисида”ги Гаага конвенцияси, “Фуқаролик авиацияси хавфсизлигига қарши йўналиш берилган ноқонуний ақтларга қарши қураш тўғрисида”ги Монреал конвенцияси, “Халқаро муҳофазадан фойдаланувчи шахсларга, шунингдек, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида”ги, “Кичиларни гаровга олишга қарши қураш тўғрисида”ги конвенциялар шунлар жумласидандир.

Халқимиз ҳам терроризм жабр-ситамини бир неча бор бошдан ўтказди. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов биринчилардан бўлиб халқаро ҳамжамиятини огоҳликка даъват этиб, терроризмга қарши халқаро миқёсда қураш олиб бориш фикрини илгарди сурди.



Эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда халқаро терроризмга қарши ички қураш олиб бориш мумкин. “**Терроризмга қарши қураш тўғрисида**”ги қонуннинг қабул қилиниши ва амалиётга

жорий этилгани, нуфузли халқаро анжуманларда терроризмга қарши амалий тақлифлар билдирилгани, бу борада кўплаб чора-тадбирлар қўрилгани бунинг исботидир.

Лекин кейинги вақтларда рўй берган воқеаларда юртдошимизнинг

янада сергак ва огоҳ бўлишини, тинчлик учун ҳар доим, ҳар дақиқа курашиш лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, ўз уйимизни, ўз ватанимизни ўзимиз асрашимиз, ҳаётга очиқ кўз ва теран фикр билан боқиб, тинчлик ва хотиржамлиги-

мизни таъминлашимиз кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, **тинчлик учун ҳар доим курашиш зарур.** Бу ҳаётий зарурат қундалик фаолиятимизнинг негизини, мақсад-муддаомизнинг бош йўналишини ташкил этсагина тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлади. Бу эса бунёдкорлик ва тараққиётга йўл очади, бахт-саодат ҳамда фаровон турмуш истиқболларини таъмин этади.

Сулон ЧОРИЕВ, ҳуқуқшунос

ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН КАДАСТР

Кибрай туманидаги “Нарғизфарм” хусусий фирмаси раҳбари О.Пўлатов тўғрисида “Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри” бўлимига ўзига қарши дўкон биносининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун мурожаат қилганида ишнинг бунчалик қаллашиб кетишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

“Вакт — бу пул” деганларидек, тадбиркор кадастр ҳужжатларининг тайёр бўлишини кўтиб, кўп вақтини беҳуда ўтказди. Идорама-идора қатнашиб, оворагарчиликдан чарчаган тадбиркор О.Пўлатов 2004 йил 22 январь куни Адлия вазирлигига қуйидаги мазмундаги ариза билан

муурожаат қилди: “**Нарғизфарм**” хусусий қорхонаси 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган йил якунида янги 2004 йил учун туман ҳокимлиги томонидан берилган кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун мурожаат қилдим. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳуқуқшунос савдо дўконининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва фирма низомига савдо тўғрисида кўшимча киритиш ҳақида кўрсатма берди. Ҳужжатлаштириш ишлари қўзғилиб кетишини ҳисобга олиб, чакана савдо лицензияси-

ни вақтинчалик 1 ой муддатга узайтириб беришни сўраб қилган мурожаатимга тадбиркорлар палатасидан рад жавобини олдим. Туман ҳокимлиги фирма низомига киритилган кўшимчаларни ўз вақтида тасдиқлаб, қарор чиқариб берди. Шундан кейин савдо дўқони кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун туман “Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри” бўлимига учрашдим. Бўлим ходими Ш.Усмоновга ҳужжатини тайёрлаш учун кетадиган харажатлар учун юз минг сўм нақд пул бердим. У “4-5 кун ичида ҳужжатлар тайёр бўлади”, деб ваъ-

Ajab savdolar

да берди. Аммо белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетганига қарамай кадастр ҳужжатларини ололганим йўқ. Рухсатнома бўлмагани учун тижорат ишларим ҳам тўхтаб қолди”. Аризани ўқиб, айрим амалдорларнинг хали ҳам тўрачилик “касали”дан халос бўла олмаётгани, қандайдир шахсий манфаатларини кўлаб тадбиркорни кўр-кўрона сарсон-саргон қилаётганидан ажабланмасликнинг иложи йўқ. Чунки тадбиркорларга ёрдам бериш, уларни кўллаб-қувватлаш хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қонуний вази-фаси эмасми?!

Шу ўринда Тошкент вилояти адлия бoshқармаси ходими О. Пўлатовнинг аризасини ўрганиш жараёнида маълум бўлган далилларга эътибор қаратасан.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз мазмун-моҳияти билан инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бунга жинорий жазоларнинг либераллаштирилгани ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Шу ўринда жинорий жазодан озод қилишнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Шахс томонидан қасодан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жинорий жавобгарликка сабаб бўлади.

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

УНИНГ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШДАН ФАРҚЛАРИ

Жазо ёрдамида давлат ҳокимияти амалда қонун меъёрларини мустаҳкамлайди. Жинорий жазо ҳисобланган мажбурул чорасининг ўзигагина хос бўлган белгилари қуйидагилардан иборат:

1. **Жинорий жазо давлатнинг қонуний мажбурул чорасидир;**
2. **Жинорий жазо фақат суд томонидан давлат номида тайинланади;**
3. **Жинорий жазо фақат жиноят содир қилган шахсининг ўзига қўлланади;**
4. **Жинорий жазо қўллаш — айбдорнинг ҳаракатини давлат томонидан қоралашдан иборат.**

Кўриниб турганидек, жинорий жазо муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Жиноят кодексининг 78-моддасида кўзда тутилган муқддатлар мобайнида жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланади. Бу ҳуқуқий оқибатлар шахс янги жиноят содир қилган ҳақида амал қилади. Масалан, судланганлик муқддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир қилса, унга нисбатан жинорий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш каби имтиёзларни қўллаш мумкин эмас.

2002 йилнинг охирига келиб, кўчат етиштириш мақсадида бозордан 300 килограмм ёнғоқ, 100 килограмм ўрик, 50 килограмм бодом данаклари сотиб олинди. 2003 йилнинг январ ойида кўчатлар ораллигидаги ёрларга экилди.

Конунчиликнинг муҳим таъминловчи бериши шунки, унга биноан жазо шахсага жинорий азор бериши ёки инсон кадр-қимматини қамситиш мақсадида қўлланилмайди. Балки жиноят содир қилган

шахснинг ҳуқуқий ҳолатини чеклаш, маънавий ёки моддий муносабат билдириш орқали унинг айбига ғираша жазо-соланади. Жазонинг айнан ана шу хусусияти маҳкумининг тўғри йўлга тушиб олишига ёрдам беради. Агар маҳкум янги жиноят содир қилса, бошига янада оғирроқ мусибатлар тушишидан қўрқиши унинг тўғри йўлга тушиб олишига асосий сабаб бўлади. Қонунчилик жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо чораларини билан бир қаторда жазодан озод қилиш мумкин бўлган меъёрларни ҳам белгилайди.

Jurnalist surishtiruvi

ТАЛАШ БЎЛГАН БОҒ

Улғунор тумани алоқа боғламасида ишловчи Иброҳимжон Бойматов оиласи билан боғ яратишга бел боғлади. У ишни дастлаб тумандаги “Оқ олтин” ширкат хўжалигига ер ажратиб бериш тўғрисида мурожаат этишдан бошлади. Унинг аризасини ширкат хўжалигининг ер ташлаш ва ер ажратиш комиссияси кўриб чиқиб, хўжалик ҳудудидаги 449-450-контурлардан кишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган 2 гектар ер майдонини ажратиш бериш лозим, деган ҳулосага келди. Унинг аризаси ва комиссия далолатномаси ширкат хўжалиги меҳнат жаммаси вакиллари ййгилишининг 2001 йил 28 ноябр кунги ййгилишида қўриб чиқилиб, ерни узоқ муқддатга шартнома билан ижарага ажратиш бериш ҳақида қарор чиқарди. Ушбу қарор асосида 2001 йил 15 декабр куни ер участкасини узоқ муқддатли ижарага бериш тўғрисида шартнома тўзилди. Ушбу шартномага қўра, ўта кучли шўрланган, ташландиқ ҳолда ётган икки гектар ер ўз ҳисобидан

боғ қилиш учун Иброҳимжон Бойматовга ажратилди. Хўжалик ер тузувчи муҳандиси А.Йўлдошев унга ерни ажратиш, чизмасини ҳам чизиб берди. Орузси ушланган Бойматовлар оиласи энг шимариб ишга киришди. Туман марказига кирвераришда ҳаммининг қўзига хуноқ кўришиб, паст-баланд, ёввойи жийда ва юлғунлар босиб ётган ерни ўзлаштириш осон бўлмади. — Қарамоғимдаги олти бош қорамолимни сотиб, ерни ўзлаштириб боғ қилишга киришдим, — деб ҳикоя қилади Иброҳимжон Бойматов ўша кунларни эслаб. — Ушбу ерда 400 туп хурмо, атрофида 400 тупдан ортиқ терак кўчатлари кўкартирдик. Шундан сўнг ташландиқ жойда пайдо бўлган боғ айрим-айримнинг кўзини “ўйратиб”

қолди. 450-контурдаги чуқурликни бир метр қалинликда тупроқ билан тўлдирмоқчи бўлиб турганимизда туман ҳокимлиги ходими Турдихол Қосимов ва келиб, ушбу ерни ҳокимият билан шартнома асосида олганини ва ерни унга топширишин зарурлигини айтди. Аммо ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади...

Аваллига туман ҳокимлигидаги мутаасадди раҳбарлар Т.Қосимовани қўллаб-қувватлашган бўлиши. Лекин туман ҳокими Б.Сатторовга ариза билан мурожаат қилин-гач, муаммо ўз ечимини топ-тиб, Иброҳимжон Бойматов ўз ишини давом эттирди. Йил давомида бутун оила аъзолари, ёрдамчилар боғ ичиндан чиқмай меҳнат қилишди. Ал-

батта, бу ишларга катта меҳнат ва маблағ сарфланди. 2002 йилнинг охирига келиб, кўчат етиштириш мақсадида бозордан 300 килограмм ёнғоқ, 100 килограмм ўрик, 50 килограмм бодом данаклари сотиб олинди. 2003 йилнинг январ ойида кўчатлар ораллигидаги ёрларга экилди.

(Давоми иккинчи бетда)

